


Қабул квотаси маълумотларини бошқариш

Қабул квотасини шакллантириш

Қабул квотасини шакллантириш тизим ойнасининг **Talabalar / Qabul kvotasi** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Қабул квотаси ойнаси

Қабул квотасини шакллантириш учун **+Kiritish** тугмасини танланг. Натижада қабул квотаси маълумотларини шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Ушбу ойнада қуйидагича маълумотларни шакллантиринг:

- **Ta'lim turi** майдонидан бакалавр ёки магистратура таълим турини танланг;
- **Mutaxassislik** майдонидан мутахассисликни танланг;
- **Ta'lim shakli** майдонидан таълим шаклини танланг;
- **O'quv yili** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **Kvota turi** майдонидан квота турини танланг;
- **Qabul kvotasi** майдонига қабул квотасини киритинг.

Қабул квотаси шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади ва қабул квотаси рўйхатида яратилган квота пайдо бўлади (2-расм).




2-расм. Қабул квотаси рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида мавжуд қабул квоталари шакллантириб олиш мумкин.

Квотага нисбатан қабул қилинган талабалар сони фарқини кўриш

Яратилган қабул квоталар тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун **Talabalar / Qabul kvotasi** менюси танлаш орқали амалга оширилади (3-расм).



Kod	Mutaxassislik nomi	O'quv yili	Ta'lim turi	Ta'lim shakli	Kvota turi	Qabul kvotasi	Talabalar soni	Farq	Faol
5330700	Axborot texnologiyalarining dasturiy ta'minoti	2021-2022	Bakalavr	Kunduzgi	Davlat granti	10	2	8	🟢
5350101	Telekommunikatsiya texnologiyalari (telekommunikatsiyalar)	2020-2021	Bakalavr	Kunduzgi	To'lov-shartnoma	150	0	150	🟢
5350101	Telekommunikatsiya texnologiyalari (telekommunikatsiyalar)	2021-2022	Bakalavr	Kunduzgi	Davlat granti	100	2	98	🟢
5350100	Telekommunikatsiya texnologiyalari ("Telekommunikatsiyalar", "Teleradioeshittirish", "Mobil tizimlar")	2020-2021	Bakalavr	Kunduzgi	Davlat granti	50	3	47	🟢
5350100	Telekommunikatsiya texnologiyalari ("Telekommunikatsiyalar", "Teleradioeshittirish", "Mobil tizimlar")	2020-2021	Bakalavr	Sirtqi	To'lov-shartnoma	50	1	49	🟢
5110300	Kimyo o'qitish metodikasi	2020-2021	Bakalavr	Kunduzgi	Davlat granti	55	0	55	🟢

3-расм. Қабул квотаси ва қабул қилинган талабалар сони

Эътибор берган бўлсангиз 3-расмда ўқув йили, таълим тури, таълим шакли, квота тури, қабул квотаси, талабалар сони, фарқ, фаол каби устунлар ва ушбу устунларга тегишли маълумотлар ҳосил бўлган. Тизимда талабалар рўйхати шакллантириш бошланиши билан ушбу ойнада мутахассисликлар бўйича талабалар сони кўрина бошлайди ва квота билан қабул қилинган талабалар фарқларини автоматик тарзда солиштириш ишлари амалга оширилади. Юқоридаги 3-расмда келтирилган **telekommunikatsiya texnologiyalari (telekommunikatsiyalar)** йўналишида 2 талаба борлиги сабабли, тизимда қабул квотаси 100 та талабалар сони эса 2 та ҳамда 98 та фарқни кўрсатиб турибди.

Қабул квотасини таҳрирлаш

Қабул квотасини таҳрирлаш учун қабул квотаси рўйхатидан тегишли қабул квотаси номига сичқонча билан босилади ва натижада қабул квотаси маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали қабул квотаси маълумотларини сақланг.

Қабул квотасини ўчириш

Яртилган қабул квотаси маълумотларини ўчириш учун қабул квотаси рўйхатидан тегишли қабул квотаси номига сичқонча билан босилади ва таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).